

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси

**Давлат бошқаруви
академиясининг
ОДОБ-АХЛОҚ ҚОИДАЛАРИ**

Тошкент-2017

Ушбу одоб-ахлоқ қоидалари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси Кенгашининг 2017 йил 25 октябрдаги 3-сонли мажлис баённомаси билан тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг Одоб-ахлоқ қоидалари (кейинги ўринларда - Қоидалар) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги "Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5139-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг (кейинги ўринларда - Академия) Устави асосида тайёрланган. Унда ходим ва тингловчиларнинг одоб-ахлоқига оид умумий қоидалар, педагог ходимлар ва тингловчиларнинг таълим-тарбия жараёнидаги ўзаро муносабатлари, педагог, ходимлар ва тингловчиларнинг ўзаро муносабатлари, педагог, ходимлар ва тингловчиларнинг одоб-ахлоққа оид мажбуриятлари, педагог, ходимлар ва тингловчиларга ман этиладиган хатти-ҳаракатлар, раҳбар, педагог ва ходимлар ўртасидаги одоб-ахлоққа оид муносабатлар ёритилган.

© Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, 2017 йил.

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур қоидалар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида"ги ва "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги "Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5139-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг (кейинги ўринларда - Академия) Устави ва Ички тартиб-қоидалари, умумэътироф этилган маънавий ва ахлоқий тамойилларга мувофиқ ҳамда мамлакатда олиб борилаётган демократик ва ҳуқуқий ислохотлар, фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг юксак талаблари ва замонавий халқаро стандартларга жавоб берадиган юқори малакали бошқарув кадрларини тайёрлаш, шунингдек, тингловчиларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан юксалтириш, ҳуқуқий, сиёсий маданияти ва ҳуқуқий онгини ошириш бўйича самарали тизимни яратиш, уларда ватанпарварлик, юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни, шунингдек, Академияда соғлом маънавий ва ижтимоий-психологик муҳитни шакллантириш ҳамда ривожлантириш, жамият ҳамда таълим тизимида Академия нуфузи ҳамда обрў-эътиборини асраб-авайлаш ва янада ошириш мақсадида профессор-ўқитувчи,

ходим ва тингловчиларнинг Академия ҳудудида ҳамда кундалик ҳаётда риоя этишлари шарт бўлган одоб-ахлоқ қоидаларини белгилайди.

2. Мазкур қоидаларнинг асосий мақсади:

профессор-ўқитувчи ҳамда ходимлар, шунингдек, тингловчилар фаолияти самарасини ошириш мақсадида ягона ахлоқ нормаларини таъминлаш;

Академиянинг обрў-эътибори ва имижини сақлаб қолишда кўмаклашиш;

Академия профессор-ўқитувчи, ходим ва тингловчиларининг маънавий иммунитетини шакллантириш, сақлаш ва ҳимоя қилиш;

одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш, шу жумладан, зўравонлик, шафқатсизлик ва ҳаёсизликни ташвиқ қилувчи ҳар қандай хатти-ҳаракатнинг олдини олишга кўмаклашишдан иборат.

II. Академия профессор-ўқитувчи, ходим ва тингловчиларининг одоб-ахлоқига оид умумий қоидалар

3. Академияда ҳамжиҳатлик, ғамхўрлик, ўзаро ишонч, ҳурмат, дўстона муносабат, ҳалоллик, виждонлилик, аҳил-иноқлик профессор-ўқитувчи, ходим ва тингловчиларнинг ўзаро муносабатларидаги муҳим шартлардир.

Профессор-ўқитувчи, ходим ва тингловчилар Академияда фаолият юритаётган (таҳсил олаётган) турли миллат ва элат вакилларининг одоб-ахлоқ қоидалари, миллий удум, урф-одати ҳамда анъаналарини ҳурмат қилишлари лозим.

4. Академияда ўзаро муносабатларнинг асосий тамойили - бир шахснинг ҳуқуқи бошқа шахснинг ҳуқуқини поймол қилмаслигига асосланиши лозим. Шу жумладан, профессор-ўқитувчи, ходим ёки тингловчининг сўз эркинлиги, унга бировга туҳмат қилиш, ҳақоратлаш, ўзаро муносабатларда умумэътироф этил-

ган ахлоқ қоидаларини намоийшкорона менсимасликда ифодаланувчи беҳаё сўзлардан фойдаланишга йўл қўйилмайди, виждон эркинлиги Академияда диний маросимларни ўтказиш ҳуқуқини бермайди, кийим-кечаклар кийиш эркинлиги маънавий муҳитга салбий таъсир ўтказиш ҳолларини келтириб чиқаришига йўл қўйилмайди. Академияда профессор-ўқитувчи, ходим ва тингловчилар расмий кийиниш қоидаларига амал қилишлари лозим.

Шунингдек, профессор-ўқитувчи, ходим ва тингловчининг шахсий, оилавий, ижтимоий ёки бошқа муносабатлари унинг Академиядаги фаолиятига, иш ва ўқув жараёнларига салбий таъсир этишига йўл қўйилмайди.

5. Академия профессор-ўқитувчи, ходим ва тингловчилари ўз касбига мос бўлган замонавий-расмий кийимда бўлишлари мақсадга мувофиқ. Уларнинг одамлар диққатини тортадиган, хусусан, танани шаффоф кўрсатиб турадиган, елка, кўкрак ва қорин, тиззадан юқори қисми очик бўлган ҳамда тор кийимда, шунингдек, қулоқчинлар, металл занжирлар ва бошқа турдаги тақинчоқлар тақиб пирсингда Академияга келишлари мумкин эмас. Шунингдек, диний ибодат либосида ёхуд спорт кийими ва пойафзалида келиш ҳам қатъиян тақиқланади.

Академияда хотин-қизларнинг ёрқин пардоз қилишларига йўл қўйилмайди.

Профессор-ўқитувчи, ходим ва тингловчи эркаклар Академияга галстук таққан ҳолда оқ, ҳаворанг, оч жигаранг ёки оч кулранг кўйлақда, классик услубдаги костюм-шимда ва тўқ рангдаги пойафзалда келишлари лозим. Тингловчи эркаклар портфель ёки 25x20 см. ўлчамдан кичик бўлмаган папка тутишлари лозим.

Профессор-ўқитувчи, ходим ва тингловчи аёллар Академияга оч рангли блузкаларда, тиззани ёпиб турадиган костюм-юбкада, тўқ рангдаги пойафзалда келишлари, шунингдек сумка тутишлари лозим.

Профессор-ўқитувчи, ходим ва тингловчиларнинг аудитория ҳамда хизмат хоналарида устки (плащ, пальто, куртка) ва бош кийимда юришлари тақиқланади.

Академия профессор-ўқитувчи, ходим ва тингловчиларининг ташқи қиёфаси доимо покиза ва тоза бўлиши лозим.

6. Профессор-ўқитувчи, ходим ва тингловчиларнинг шаъни, кадр-қиммати эъозланиши ҳамда халқимизнинг қадриятларига асосан ўзаро муносабатларда бир-бирларига нисбатан ҳурматсизлик қилишлари, беҳаё сўзларни айтишлари мумкин эмас. Ўзаро мулоқотларда "Сиз" деб мурожаат қилиш лозим.

Тингловчилар профессор-ўқитувчи ва ходимларга, шунингдек, ҳамкасб профессор-ўқитувчи ва ходимлар ҳам ўзаро мулоқотда бир-бирларига исми-шарифини айтиб, мурожаат қилишлари лозим.

7. Профессор-ўқитувчи, ходим ва тингловчилар турли тадбирлар (мажлислар, тантанали йиғилишлар, учрашувлар, байрамлар)да сўзга чиқувчиларга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлиши, тинчликка риоя этишлари шарт. Профессор-ўқитувчи, ходим ва тингловчиларга зарурат туғилганда нутқлар ўртасида чиқиб келишга рухсат берилади. Аммо бошқа ҳолларда мажлис тартиб-қоидаларига риоя қилишлари шарт.

8. Академия биносига кириш ва чиқиш жойларида, шунингдек, коридорларда тингловчилар профессор-ўқитувчи ва ходимларни, эркаклар эса аёлларни ҳурмат қилиб, йўл беришлари лозим.

9. Профессор-ўқитувчи, ходим ва тингловчилар Академия ҳудудида йўлнинг ўнг томонидан юришлари лозим. Бир-бирига дуч келганда, албатта, саломлашишлари, бунда: тингловчилар профессор-ўқитувчи ва ходимларга, эркаклар хотин-қизларга, ёшлар катталарга биринчи бўлиб салом беришлари лозим.

10. Давлат ҳокимияти, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, но-

давлат нотижорат ташкилотлари, тадбиркорлик субъектлари, таълим ва илмий муассасалар, оммавий ахборот воситалари ҳамда фуқаролар билан ўзаро муносабатларда Академия профессор-ўқитувчи, ходим ва тингловчилари расмий мулоқот қоидаларига риоя этиб, қуйидаги хатти-ҳаракатларни амалга оширишлари лозим:

ўз хатти-ҳаракатларини Академия манфаатларини кўзлаб амалга ошириш, унинг имижини сақлаш, профессор-ўқитувчи, ходим ва тингловчилар манфаатларига, унинг номи ҳамда шаънига зиён етказадиган ҳаракатларни амалга оширмаслик;

Академия, унинг профессор-ўқитувчи, ходим ва тингловчилари ҳақида ҳақиқатга тўғри келмайдиган ёки нотўғри талқин қилинган маълумотларни тарқатмаслик, шунингдек, шундай маълумотлар тарқалишига йўл қўймаслик, шу жумладан, жамоат олдида чиқишлар қилмаслик;

Академия профессор-ўқитувчи, ходим ва тингловчиларининг розилигисиз уларнинг шахсий ҳаётига оид маълумотларни ошкор қилмаслик;

профессор-ўқитувчи, ходим ва тингловчилар ҳақида уларнинг касбий ва ўқув фаолиятига оид бўлмаган маълумотларни ўрганмаслик;

хизматга оид ахборотларни тақдим этиш қоидаларига риоя қилиш;

ахборотни етарлилик (ҳаддан ташқари қисқа ёки керагидан ортиқ кўп) ва ишончлилик (қайта текширишни талаб қилмайдиган) талабларига мувофиқ ҳолда тақдим этиш;

ўз хизмат вазифаларини бажариш жараёнида олинган маълумотларни Академия раҳбарияти рухсатисиз тарқатмаслик, шунингдек, ушбу маълумотлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлмаган тарзда фойдаланмаслик;

ҳамкасблар ва ходимларнинг фаолиятларини танқид

қилмаслик, шунингдек, жамоат олдидан чиқишлар, шу жумладан, оммавий ахборот воситаларида Академия фаолияти, унинг раҳбарияти ва ходимлари ҳақида фикр-мулоҳазалар билдириш, баҳо беришга йўл қўймаслик лозим.

Академия профессор-ўқитувчи, ходим ва тингловчилари умумбашарий ва миллий кадриятларга хос бўлмаган, шунингдек, Академиянинг нуфузига путур етказадиган материалларни Интернет тармоғига жойлаштириш ёки улардан ноўрин мақсадларда фойдаланиш тақиқланади.

11. Профессор-ўқитувчи, ходим ва тингловчилар Академия компьютерларида Академияга тегишли бўлмаган маълумотларни, шунингдек, турли кинофильмлар, ноқонуний маълумотлар, беҳаё суратлар, миллий, ирқий, этник, диний адоватни тарғиб қилувчи ҳар қандай материалларни тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ва тарғиб этиш қатъиян ман этилади.

12. Академияда ўқув машғулоти ва ишга ҳамда профессор-ўқитувчи, ходим ва тингловчиларнинг осойишталигига халақит берадиган хатти-ҳаракатлар (радиоприсемник, телевизор, мультимедиа ва овоз чиқарувчи мосламалардан мақсадсиз фойдаланиш) содир этиш тақиқланади.

13. Академия профессор-ўқитувчилари, ходим ва тингловчилар белгиланган кун тартибига риоя қилган ҳолда дарс машғулоти ва ишга ўз вақтида келишлари шарт.

14. Академияда қуйидаги ҳолатлар қатъий тақиқланади:

Профессор-ўқитувчи, ходим ёки тингловчига нисбатан ҳар қандай ҳуқуқбузарлик содир этиш, шу жумладан, тухмат қилиш, ҳақоратлаш, жисмоний, маънавий ёки моддий зарар етказиши мумкин бўлган маълумотни тарқатиш ёхуд уларга тан жароҳати етказиш;

ғиёҳванд моддалар, психотроп воситалар, алкоголь ва тамаки (чекиш учун ажратилган жойлар бундан мустасно) маҳсулотларини истеъмол қилиш ва уларни тарқатиш;

тинчлик ва осойишталикка тажовуз қилиш, жанжаллашиш, қимор ва шунга ўхшаш бошқа азарт ўйинлар ўйнаш.

III. Академия профессор-ўқитувчи ва тингловчиларнинг таълим жараёнидаги ўзаро муносабатлари

15. Профессор-ўқитувчи ва тингловчиларнинг таълим жараёнидаги ўзаро муносабатлари миллий кадриятлар ҳамда ўзаро ҳурмат тамойилларига асосланиши лозим.

Профессор-ўқитувчилар томонидан тингловчиларга нисбатан юқори талабчанлик уларни ҳурмат қилган ҳолда амалга оширилиши керак.

16. Профессор-ўқитувчи аудиторияга кирганида барча тингловчилар ўринларидан туриб саломлашишлари, сўнгра фақат профессор-ўқитувчининг рухсати билан ўз жойларини эгаллашлари керак. Профессор-ўқитувчи аудиториядан чиққанда тингловчилар ўринларидан туришлари шарт. Тингловчилар дарс вақтида аудиторияга кирган Академия раҳбарияти ва ёши катта инсонлар билан ўринларидан туриб саломлашишлари даркор.

17. Дарс машғулоти вақтида уяли алоқа воситаларидан фойдаланиш барча профессор-ўқитувчи, ходим ва тингловчилар учун қатъиян тақиқланади.

18. Тингловчиларнинг дарсга кеч қолиб келишларига йўл қўйилмайди. Лекин, узрли сабабга кўра, кеч қолган тингловчи узр сўраб, профессор-ўқитувчининг рухсати билангина дарсга кириши мумкин.

Профессор-ўқитувчи дарс машғулотида ножўя хатти-ҳаракатлари билан халақит бераётган тингловчини, юзага келган вазият ҳақида деканат ёки раҳбариятни хабардор қилиб, дарсдан четлатиши мумкин.

19. Тингловчи ўқув машғулотида ташқари вақт-

да профессор-ўқитувчи билан мулоқот қилиш зарурати бўлса, у ҳолда мулоқот:

дарс машғулотида, маслаҳат соатларида, мустақил ишлар, рейтинг назоратини топширишда ёки ўзаро келишув бўйича белгиланган вақтда амалга оширилиши мумкин;

тингловчи ўзи мулоқот қилмоқчи бўлган профессор-ўқитувчи лавозими, исми, отасининг исми ва фамилиясини аниқ билиши шарт.

20. Тингловчи олдиндан келишилмаган ҳолда профессор-ўқитувчининг ҳузурига келса, умумий ёки ўзаро келишилган маслаҳат соатига кеч қолиб келган ёки келмаган бўлса, профессор-ўқитувчидан ҳатто қисқа вақт суҳбатлашишни талаб қилишга ҳақли эмас.

21. Асослангилган жиддий сабаблар (қўполлик, таъмагирлик, профессор-ўқитувчининг айби билан машғулотлар ўтказилишидаги мунтазам узилиш ҳолларини исботловчи далиллар ва б.) ҳамда гуруҳ (курс)нинг яқдил фикри мавжуд бўлгандагина, тингловчилар Академия раҳбариятидан профессор-ўқитувчини бошқа ўқитувчи билан алмаштириш ҳақида илтимос қилишлари мумкин.

22. Тингловчиларга рейтинг балани қўйишда Академия профессор-ўқитувчи ва ходимларига ҳар қандай шаклдаги рағбатлантиришни таклиф этиш, шунингдек, ўзаро келишиш учун ўртага одам қўйиш қатъий тақиқланади. Академия профессор-ўқитувчи ва ходимларига рейтинг балани олиш учун тингловчидан ҳар қандай шаклдаги рағбатлантиришни сўраш ва талаб қилиш, шунингдек, профессор-ўқитувчи ва ходимларга рейтинг балани қўйиб бериш масаласида мурожаат қилишлари тақиқланади.

IV. Академия профессор-ўқитувчи ва ходимларнинг ўзаро муносабатлари

23. Профессор-ўқитувчи ва ходимларнинг ўзаро му-

носабатлари ягона жамоа, ўзаро ҳурмат ва эътибор, дўстлик, ҳамжиҳатлик, ҳалоллик ва адолат тамойилларига асосланиши лозим.

24. Профессор-ўқитувчи ва ходимлар муносабатларида инсон қадр-қимматига ҳурматсизлик қилиш, бир-бирининг шахсиятини камситиш, ўзганинг интеллектуал мулкани ўзлаштириб олиш, қўполлик, беҳаё сўзлар ишлатиш, муштлашиш, ўзгаларга маънавий, моддий ёки жисмоний зиён етказиш қатъиян ман этилади.

V. Академия тингловчиларининг ўзаро муносабатлари

25. Тингловчиларнинг ўзаро муносабатлари ягона жамоа, ўзаро ҳурмат-эътибор, дўстлик, ҳамжиҳатлик, ҳалоллик ва адолат тамойилларига асосланиши шарт.

26. Тингловчилар муносабатларида инсон қадр-қимматига ҳурматсизлик қилиш, бир-бирининг шахсиятини камситиш, ўзганинг интеллектуал мулкани ўзлаштириб олиш, қўполлик, беҳаё сўзлар ишлатиш, муштлашиш, ўзгаларга маънавий, моддий ёки жисмоний зиён етказиш, масхара қилиш қатъиян ман этилади.

VI. Академия профессор-ўқитувчи ва ходимларининг одоб-ахлоққа оид мажбуриятлари

27. Академия профессор-ўқитувчи ва ходимлари: тингловчиларга ўрнатилган бўлишга;

ўз фаолиятини юксак касбий даражада амалга оширишга;

Академия обрў-эътибори ва нуфузига доғ туширадиган ҳар қандай ҳаракатларни содир этишдан ўзини тийишга, шунингдек, бундай ҳаракатлар содир этилишининг олдини олишга;

Академия тўғрисидаги ахборотлардан унинг манфа-

атлари ва обрўсига зиён етказиш учун ёки ўз манфаатлари йўлида фойдаланмасликка;

Академия мулкига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш, шу жумладан, хизмат вазифасини бажариш учун берилган, шунингдек, оргтехника воситалари ва бошқа буюмлардан тўғри ҳамда тежамкорона фойдаланишга; моддий бойликлар ва бошқа ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда уларни сақлаш тартибига қатъий риоя қилишга;

ўз хизмат жойидаги тартиб-интизом ва хизмат ҳужжатлари билан ишлаш қоидаларига риоя қилишга;

электр энергияси ва сувни тежамкорона ишлатишга; таътилдан олдин, меҳнат шартномаси тугаганда ўз хизмат жойини талабга жавоб берадиган ҳолатда қолдириш, зиммасидаги оргтехника воситалари ва бошқа материалларни, ўзига топширилган, лекин ҳали яқунланмаган вазифаларни бошқа шахсга белгиланган тартибда топширишга;

бирор-бир нохуш воқеа ёки ҳодиса рўй берса, бу ҳақда зудлик билан Академия раҳбариятига хабар беришга;

телефон орқали мулоқот қилишда муомала маданияти ва ахборот тақдим этиш қоидасига риоя қилишга (жумладан, суҳбатни расмий тарзда саломлашишдан бошлаб, сўнг ўз хизмат муассасаси, лавозими ҳамда фамилияси, исми, шарифини айтиб, мақсадга ўтиш лозим, тақдим этилаётган ахборот қисқа, лўнда ва аниқ бўлиши керак, суҳбат жараёнида сўралаётган маълумот изланиши туфайли телефон тармоғини узоқ вақт банд қилишга йўл қўйилмайди, зарурат бўлса, қайта қўнғироқни амалга ошириш мумкин);

одоб-ахлоққа оид миллий анъана, урф-одат ва қадриятларимизни тарғиб қилишга;

тингловчилар орасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, уларни ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик илатларидан, бошқа турли ҳалокатли таҳдидлар ҳамда

экстремистик таъсирлардан, "оммавий маданият" ҳужражларидан огоҳ этиб боришга;

таълим олувчиларни маънавий-ахлоқий юксалтириш ва маърифий ишларнинг самарали шакл ҳамда услубларини ишлаб чиқишда кўмаклашишга;

Академиянинг ички тартиб-қоидалари ва ички меъёрий ҳужжатларига риоя этишлари мажбур.

VII. Академия тингловчиларининг одоб-ахлоққа оид мажбуриятлари

28. Тингловчилар:

а) Академия ҳудудида:

ҳудудга гувоҳнома (рухсатнома)ни кўрсатиб киришга; профессор-ўқитувчи ва ходимлар меҳнати, шаъни ва ғурурини ҳурмат қилишга;

профессор-ўқитувчи ва ходимлар билан дуч келганда биринчи бўлиб салом беришга;

ўқув машғулоти вақтида Академия ҳудудида беҳуда юрмасликка;

Академия мулкига нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлишга;

кийиниш одобига риоя қилишга;

мутасадди ходимларнинг рухсатисиз турли реклама воситаларини осмасликка;

тинчликни сақлашга;

ўз ҳаракатларини онгли бошқаришга;

ҳудудни ифлослантмаслик, чиқиндиларни жойлардаги махсус қутиларга ташлашга;

наркотик ва психотроп моддалар, алкоголь ва тамаки маҳсулотлар истеъмол қилиниши ҳамда тарқатилишига қарши курашишга мажбурдирлар;

б) аудиторияда:

уяли алоқа воситаларини ўчириб қўйиши;

дарс жараёнида гаплашмаслиги ҳамда дарс машғулотига тааллуқли бўлмаган ишлар билан шуғуланмаслиги;

жиҳозларга эҳтиёткорона муносабатда бўлиши, парталарга ёзмаслиги;

қоғоз, сақич ва бошқа кераксиз нарсаларни қолдириб кетмаслиги;

овқатланмаслик, сақич чайнамаслиги шарт;

в) жамоат ва умумий овқатланиш жойларида:

этикет қоидаларига риоя этиш ва бошқа фуқароларга қўпол муомалада бўлмасликка;

Академияда бошқаларнинг мулкига зарар етказмасликка;

тозалик ва тартибга риоя қилишга;

таомларга буюртма бериш ва олишда навбат тартибига риоя қилишга;

тирбандлик ҳолатида профессор-ўқитувчилар, аёллар ва ёши катталарга ҳурмат кўрсатишга;

овқатланиш вақтида шовқин қилмасликка;

умумий овқатланиш шохобчасида белгиланган тартиб-қоидаларга риоя қилишга мажбур;

г) Ахборот-ресурс марказида:

уяли алоқа воситаларини ўчириб қўйишга;

марказ ходимлари билан хушмуомала бўлишга;

китоблар ва жиҳозларга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга;

баланд овозда гаплашмаслик ва атрофдагиларга ҳалақит бермасликка;

қоғоз, сақич ва бошқа кераксиз нарсаларни қолдириб кетмасликка;

китобларни олиш ва топшириш тартиб-қоидаларига риоя қилишга мажбур;

д) Академия меҳмонхонаси мажмуасида:

мол-мулкка нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлиш ва фойдаланишга;

электр энергияси, газ ва сув ресурсларидан тежамкорона (оқилона) фойдаланишга;

хоналардан фойдаланишда санитария ва гигиена қоидаларига риоя этишга мажбур;

е) спорт-соғломлаштириш мажмуасида:

спорт кийими ва пойафзалида киришга;

спорт инвентарларига нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлишга;

машғулотлардан кейин спорт инвентарларини белгиланган жойларга қайта топширишга;

соғломлаштириш комплексининг белгиланган тартиб-қоидаларига риоя қилишга мажбур;

ж) йиғилиш зали ва бошқа оммавий тадбирлар ўтказиладиган жойларда:

тадбирларга ўз вақтида кеч қолмай келишга;

ўриндиқ ва бошқа жиҳозларга нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлишга;

хуштак чалмаслик, бақирмаслик, тадбир тугашидан олдин сабабсиз чиқиб кетмасликка;

ухламаслик, ўриндиқларга ётиб олмаслик, баланд овозда гаплашмаслик, ён-атрофдагиларга ҳалақит бермасликка мажбур.

29. Академия тингловчиси:

Академия тингловчиси деган юксак номга мувофиқ ҳолда таҳсил олиши ва фаолият олиб бориши;

Академия дипломини олиш учун эмас, балки ҳақиқий билим олиш учун ўқиши;

нутқ маданиятини доимий такомиллаштириб бориши;

турли давраларда ўзининг намунавий хулқи ва билими билан Академия ҳақида юксак ижобий таассурот қолдириш учун интилиши;

ижодий фаолият фаоллигини ривожлантириш, корпоратив маданиятни ўстириши;

доимо комилликка интилиш, ҳалоллик ва адолат билан ҳаёт кечириш каби олижаноб фазилатларни чуқур англаши;

Академия манфаати, унинг шаъни ва анъаналари, обрўси ҳамда нуфузи тўғрисида қайғуриши, уларни сақлаб қолишга жонқуярлик қилиши, уларга ҳурмат билан муносабатда бўлиши;

танқидий мулоҳазаларни объектив билдириш ва уларни тўғри қабул қилишга, ўз хато-камчиликларини англаб етиши ҳамда уларни бартараф этиши;

профессор-ўқитувчи ва ходимларнинг мазкур қоидаларни бажариш тўғрисидаги талабларини сўзсиз бажариши шарт.

VIII. Академия профессор-ўқитувчи, ходим ва тингловчиларига ман этиладиган қоидалар

30. Академия профессор-ўқитувчи ва ходимларига: ўз шахсий фойдаси ҳамда ўзгалар манфаатини кўзлаб хизмат лавозимини суиистеъмол қилиш;

профессор-ўқитувчи ва ходим, тингловчиларнинг шахсияти ҳамда кадр-қимматини камситиш, ўзгаларнинг шахсий ва оилавий муаммоларини муҳокама қилиш;

ҳеч бир шахс ҳақида ирқи, эътиқоди, миллати, жинси, ижтимоий келиб чиқиши, мавқеи ва лавозими, тили ва бошқа хусусиятларидан қатъи назар, нотўғри фикр юритиш ва уни камситиш (сўз ёки ҳаракат орқали);

профессор-ўқитувчи, ходим ва тингловчилар ҳамда ўзгалар устидан турли ифво, гийбат ва бўҳтонлар уюштириш ва тарқатиш;

тингловчилар билан ўз ҳамкасбларининг касбий ва шахсий камчиликларини муҳокама қилиш;

раҳбарият қарорларини шарҳлаш ва уларни шубҳа остига олиш;

хизмат мажбуриятларини бажаришда манфаатлар тўқнашувини яшириш;

ўз хизмат мажбуриятини бажаришда ҳар қандай ходимга нисбатан шубҳали ҳолатни келтириб чиқарувчи низоли вазиятларга йўл қўйиш, ходим обрўси ёки Академия нуфузига путур етказиш;

тингловчиларни ўқув машғулотларидан асоссиз чиқариб юбориш, шунингдек, Академия тингловчилари сафидан четлаштириш ёки мажбуран ўқишни ташлашга ундаш;

ўқув машғулотлари давомида тижорат рекламаси ўтказиш;

совға-салом беришга мажбур қилиш, хизмат вазифасини бажариш доирасида юридик ва жисмоний шахслар томонидан рағбатлантириш (совға, пул, ссуда, турли хизмат турлари, дам олишлар, транспорт харажатларини тўлаш) қабул қилиш ёки унга рози бўлиш;

диний ташвиқот олиб бориш;

тингловчилар ва Академияга ўқишга кирувчилар билан ҳар қандай молия-иқтисодий муносабатга киришиш (амалдаги қонунчилик асосидаги ҳаракат бундан мустасно);

шахсий автотранспортни тақиқланган жойда қолдириш, йўл ҳаракати қоидаларини менсимаслик (бепарво бўлиш), шунингдек, Академия ҳудудида транспорт воситаларидан фойдаланишда хавф-хатарни юзага келтириш, бошқалар тинчлигини бузувчи ҳолатларга йўл қўйиш;

ишга маст ҳолда ёки соч-соқоли олинмаган ва расмий кийиниш қоидаларига риоя қилмаган ҳолда келиш;

Академия биноси ва ҳовлисида спиртли ичимликлар ичиш ва чекиш (чекиш учун ажратилган жойлар бундан мустасно) қатъиян тақиқланади.

31. Тингловчига:

ўз шахсий фойдаси ҳамда ўзгалар манфаатини кўзлаб ўз мавқеини суиистеъмол қилиш;

профессор-ўқитувчи, ходим ва тингловчиларга қўполлик қилиш, машғулотлар вақтида асоссиз гапириш;

профессор-ўқитувчилар билан бошқа тингловчиларнинг баҳосини муҳокама қилиш;

ёлғон гапириб, профессор-ўқитувчи ва ходимларни чалғитиш;

ходимлар ва ўз тенгдошларига нисбатан ҳурматсизлик қилиш;

Тингловчилар ва Академияга ўқишга кирувчилар билан ҳар қандай молия-иқтисодий муносабатга кири-

шиш (амалдаги қонунчилик асосидаги ҳаракат бундан мустасно);

ёзма ишларни ҳимоя қилиш ва рейтинг назоратига доир бошқа тартиб-таомилларни бажариш вақтида четдан ёрдам олиш, ўзгаларга ёрдам кўрсатиш;

бошқа шахслар томонидан тайёрланган топшириқ ва ёзма ишларни ўз номидан топшириш;

машғулотларни ўтказиб юбориш ёки дарсларга кечикиб келиш;

машғулотлар вақтида ва улар тугагандан кейин профессор-ўқитувчиларнинг рухсатисиз аудиториядан чиқиб кетиш (шунингдек, чиқишга шай бўлиш);

дарс машғулотлари ўтаётган вақтда факультет декани рухсатисиз Академия ҳудудидан чиқиб кетиш;

бошқа тингловчиларнинг саъй-ҳаракатларига қасдан зиён етказиш;

моддий жиҳатдан яхши таъминланганлигини турли йўллар билан кўз-кўз қилиш;

шахсий автотранспортини тақиқланган жойда қолдириш, йўл ҳаракати қоидаларини менсимаслик (бе-парво бўлиш), шунингдек, Академия ҳудудида транспорт воситаларидан фойдаланишда хавф-хатарни юзга келтириш ва бошқалар тинчлигини бузувчи ҳолатларга йўл қўйиш;

Академияга маст ҳолда ёки соч-соқоли олинмаган ва расмий кийиниш қоидаларига риоя қилмаган ҳолда келиш;

Академия биноси ва ҳовлисида спиртли ичимликлар ичиш ва чекиш (чекиш учун ажратилган жойлар бундан мустасно) қатъиян тақиқланади.

IX. Академия, профессор-ўқитувчи ва ходимлар ўртасидаги одоб-ахлоққа оид муносабатлар

32. Профессор-ўқитувчи ва ходимлар ўртасидаги муносабатлар, ўзаро ҳурмат, аҳиллик, фаоллик, бағри-

кенглик, ҳамкорлик, инсонпарварлик, гамхўрлик ва адолат тамойилларига асосланади.

33. Профессор-ўқитувчи ва ходимларнинг иш фаолиятига доир масалалар бўйича ҳамкорлик қилишида бир тарафнинг бошқа тарафга тазйиқ ўтказиши ёки унга асоссиз ҳаракат қилишига, шунингдек, адолат тамойиллари ва Академия манфаатларига зид бўлган қарорлар тайёрланишига йўл қўймайди.

34. Лавозим даражалари тенг бўлган ходимлар ўртасидаги муаммоларни ўзаро ҳал этиш тавсия этилади. Лавозим даражалари тенг бўлган ходимларнинг иш жараёнидаги турли муаммоларни ўз ваколатлари доирасида, раҳбарларни жалб этмаган ҳолда ҳал этишлари маъқулланади.

35. Жамоада бирор-бир масала билан раҳбарларга мурожаат қилиш тартиби субординация тамойили асосида ташкил этилади.

36. Профессор-ўқитувчи ва ходимларнинг Академиянинг маънавий-ахлоқий муҳитини янада яхшилаш бўйича ташаббус ҳамда ғоялари рағбатлантирилади.

37. Раҳбарият профессор-ўқитувчи ва ходимларнинг касбий ва интеллектуал жиҳатдан ривожланишлари учун қулай иш жойи, замонавий компьютерлар, Интернет тармоғи, кутубхона фонди ва ахборот ресурсларидан эркин фойдаланишлари, шунингдек, ҳордиқ чиқаришлари, дам олишлари, жисмонан чиниқишлари учун барча имтиёزلарни яратиб беради.

X. Рағбатлантириш ва жазо чорасини қўллаш тартиби

38. Ўқув йили давомида мазкур қоидаларга тўла риоя қилган, Академияда юксак маънавий-ахлоқий муҳитнинг қарор топиши ва янада мустаҳкамланишига хизмат қилган профессор-ўқитувчи, ходим ва тингловчилар раҳбарият, таркибий бўлинма раҳбарлари тавсия-

сига биноан, белгиланган тартибга мувофиқ моддий ёки маънавий рағбатлантирилиши мумкин.

39. Профессор-ўқитувчи, ходим ёки тингловчи мазкур Қоидаларни бузганида, уларга нисбатан қонунчиликда белгиланган жазо чоралари қўлланилади.

Академия профессор-ўқитувчи ва ходимлари томонидан ушбу Қоидаларни бузганлик ҳақидаги маълумот Кадрлар бўлими томонидан қабул қилинади ва кўриб чиқилади. Ушбу Қоидаларга тингловчилар томонидан риоя этилмаса, бу ҳолат тегишли факультет декани иштирокида кўриб чиқилади.

Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этмаган Академия профессор-ўқитувчиси, ходими ва тингловчисини интизомий жавобгарликка тортиш бўйича буйруқ лойиҳаси Кадрлар бўлими (профессор-ўқитувчи, ходимларга нисбатан), тегишли деканат (тингловчиларга нисбатан) томонидан тайёрланади.

XI. Яқуний қоидалар

40. Мазкур қоидалар Академия Кенгаши томонидан тасдиқланганидан сўнг кучга киради ва унга ўзгартириш ҳамда қўшимчалар киритиш Академия Кенгаши қарорига биноан амалга оширилади.

41. Тингловчиликка ёки ишга қабул қилинаётган ҳар бир шахс мазкур Қоидалар билан танишиб чиқиши ҳамда унга риоя қилишини ўз зиммасига олиб, имзо қўйиши шарт.

Давлат бошқаруви академиясининг ОДОБ-АХЛОҚ ҚОИДАЛАРИ

